

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 316. 6 + 392.3 = 512.122

АРАПБАЕВА ДАМЕГУЛ КУРБАНОВНА

**КЕЛИНЛАР ОИЛАГА МОСЛАШУВИНИНГ ЭТНОПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ
(қозоқ оилалари мисолида)**

19.00.05 – Ижтимоий психология; этнопсихология

**Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ – 2012

Иш Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
“Психология” кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

фалсафа фанлари номзоди, доцент
Маматов Мўминхон Маматович

Расмий оппонентлар:

психология фанлари доктори, профессор
Каримова Васида Маманосировна

психология фанлари номзоди
Норимбетов Турғун Бухарович

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Ҳимоя 2012 йил “___” _____ соат___ да Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги К.067.18.04 рақамли психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Бирлашган ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлиб ўтади (100070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўч., 103. Тел.: (99871) 254-92-02, факс (99871) 215-54-18).

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг илмий кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил “___” _____ да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, психология фанлари номзоди

Р.Н.Хикматуллаева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Жамиятимизда оилани мустаҳкамлаш, ёшларимизни ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, оилани жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари каби юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келиняпти. Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2012 йилнинг мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши ҳам авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг, наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланаётганлигидан далолат беради. Президентимиз таъбирича: *“Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз катта маъно-моҳият мужассам. Чунки оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор¹”*.

Оила куриш улкан воқеа. Бу нафақат миллий, балки умумбашарий қадрият. Улуғ алломаларимизнинг оила куришга, уйланишга даъват этганларида, ота-боболаримизнинг келин-куёв аждодларини суриштиришларида ҳам жисман, ҳам руҳан баркамол келин ёки куёв танлаш масаласига нақадар жиддий эътибор қаратилганини кўрамиз. Айниқса қизларнинг бу борада кўпроқ ва жиддийроқ “имтиҳон”га солинишлари замирида буюк ҳикмат бор. Янги оилавий жуфтликнинг ташкил топиши унинг аъзоларидан ўзларида никоҳгача мавжуд бўлмаган интегратив сифатларни шакллантиришларини тақозо этади. Бир вақтнинг ўзида оила куриш келин-куёвларнинг англаган ҳолда нималардандир ўзларини чегаралашларига розиликлари ҳамдир. Ёш оила тизим сифатида маълум шароитларда унинг элементларини қўллаб-қувватловчи ўзини ўзи бошқариш механизмларини ҳам шакллантиради. Мазкур механизмлар оилавий ҳаётнинг турли соҳаларидаги типик хулқ-атвор нормаларидир.

Маълумки, психологик мослашув социумдаги нормалар ва қадриятларни ўзлаштириш орқали амалга оширилади. У ўзаро таъсирда, жумладан атрофдаги одамлар билан муомалада ва актив фаолиятда намоён бўлади. Оилага мослашув ҳам ўз ичига юқоридаги компонентларни қамраб олади ва оилавий ҳаёт билан танишув, унга аста-секинлик билан кириб бориш жараёни сифатида бошланади. Бу давр жуда қийин ҳисобланади, чунки нафақат муомала ва фаолиятни қайта куришни, балки ёш эр-хотинларнинг ўз эҳтиёж-мотивацион соҳаларини қайта кўриб чиқишларини, ўзини ўзи

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. - Б. 58.

англашнинг янги даражасини, ижтимоий муҳит билан янги алоқаларни шакллантиришларини тақозо этади. Янги тузилган оилада бир қатор моддий, психологик, ижтимоий-психологик характердаги қийинчиликлар ва муаммоларни енгилга тўғри келади. Оила-никоҳ мослашув жараёни қанчалик самаралилигига қараб ёш оиланинг барқарор ёки беқарорлиги ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин. Мослашув самарадорлиги эса бир қанча омиллар - ижтимоий муҳит шароитлари ва талаблари, инсоннинг мулоқотмандлик, ўзгалар билан ҳамкорлик ва кооперацияга интилиш, ҳамдард ва ҳамнафас бўла олиш қобилиятларига, ўз ҳиссиётлари ва эмоцияларини назорат қила олиш ҳамда кундалик стрессларни енга олиш малакасига боғлиқ бўлади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Психологияда оила муаммоси доимо долзарб ижтимоий-психологик масалалардан бири бўлиб келган. Ижтимоий психологияда оила асосан рус психологлари Г.М.Андреева, Н.Н.Богомолова, Е.В.Шороховаларнинг айрим тадқиқотларида бирламчи гуруҳ негизида ўрганилган. Шунингдек, Б.Д.Паригин, А.И.Антонов, Н.Н.Обозов, Ю.Е.Алешина, С.И.Голод, О.А.Карабанова, ғарб олимларидан Г.Роланд, Д.Ваген, Е.Бургесс, Л.Терман, М.Одема, П.Бознэн, Р.Вейсс, Э.Тийдлар оила-никоҳ масалаларини, оиладаги муносабатлар ва ажралиш мотивларини ўз илмий ишларида очиб беришга ҳаракат қилганлар.

Қозоқ оиласининг ўзига хос этнопсихологик хусусиятлари, оила-никоҳ масалалари, миллатга хос урф-одат ва анъаналар, совчилик, қалин муаммоси Ч.Валиханов, Ж.Аймауитов, Н.Джондильдин, Н.Сарсенбаев, А.Акажанова, К.Жукеш, Е.Еликбаев, Қ.Жарикбаев, Х.Арғинбаев, К.Баудиярова тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонлик психологлардан М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Ш.Р.Баротов, Н.С.Сафаев, Б.М.Умаров, М.М.Маматов, Х.М.Алимов, Н.А.Соғинов, Н.Салаева, Р.С.Самаров, О.Т.Тўраева, Э.Ш.Усманов, М.А.Утепбергенов, Г.Т.Ядгарова, Ш.Ш.Жўраева, М.Х.Файзиева, Ф.Р.Рўзикулов, М.С.Салаева, Р.Х.Душанов, Н.Х.Лутфуллаева, А.Т.Қодирова, Т.Б.Норимбетов, Г.А.Қурбонова ва бошқалар ўз тадқиқотларида замонавий миллий оила ва унинг психологик хусусиятлари, оилавий статус ва роллар ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши, ёш оилаларда юзага келадиган эр-хотин низоларининг этник хусусиятлари, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, никоҳ тўйи билан боғлиқ ўзбек этнопсихологиясининг баъзи кўринишларига оид диққатга сазовор илмий фикрларни баён қилдилар.

Олимларимиз томонидан оила муаммоси бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилганига қарамасдан, келинларнинг, хусусан қозоқ оиласи келинларининг янги оилага мослашуви ижтимоий-психологик ва этнопсихологик жиҳатдан етарлича ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республикамиз миқёсида олиб борилаётган никоҳ ва оилани ҳар томонлама ўрганишга қаратилган муаммолар юзасидан фаолият юритаётган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Психология” кафедрасининг илмий-тадқиқот режаси билан ўзаро алоқадор.

Тадқиқот мақсади: келинлар оилага мослашувининг этнопсихологик хусусиятларини қозоқ оилалари мисолида ўрганишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

1. Келинлар оилага мослашувининг этнопсихологик хусусиятларини минтақамизда истиқомат қилувчи қозоқ оилаларининг миллий-маданий муҳити нуқтаи назаридан ўрганиш.

2. Келинларнинг янги оилага мослашиб кетишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик ва этнопсихологик омилларни аниқлаш.

3. Келинларни янги оилага мослашувида уларнинг индивидуал-типологик хусусиятлари, турмуш ўртоғи ва оиланинг бошқа аъзолари билан ўзаро муносабатларга кириша олиш, оилавий ҳаётга, янги ижтимоий ролларга, мажбуриятларга мослашиш малакалари аҳамиятини очиқ бериш.

4. Илмий тадқиқот бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектини Навоий вилоятининг Конимех ва Томди туманларида истиқомат қилаётган қозоқ оилаларидаги янги келинлар ташкил қилди (жами 50 нафар). Назорат гуруҳи Навбаҳор туманида истиқомат қилувчи 50 нафар ўзбек келинларидан иборат бўлди. Тадқиқотда жами – 400 нафар (100 келин, 100 куёв, 100 қайнона, 100 қайинсингил ва қайинука) респондент (синалувчи)лар иштирок этишди.

Тадқиқот предметини келинлар янги оилага мослашувининг ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотда қуйидаги психодиагностик методикалардан фойдаланилди:

1. Сухбат-интервью.
2. Ижтимоий-психологик сўровнома (М.М.Маматов, Л.С.Турсунов, Д.К.Арапбаева томонидан тузилган).
3. Г.Ю.Айзенкнинг “Экстраверсия-интроверсия ва нейротизмни аниқлаш” сўровномаси.
4. Э.Ғ.Ғозиев томонидан ишлаб чиқилган “Рафиқ ва рафиқа муносабатини баҳолаш шкаласи”.
5. “Никоҳга маънавий тайёргарлик” тести.
6. К.Томаснинг “Низоли вазиятлардаги ҳуқ-атвор стратегияларини аниқлаш” сўровномаси.
7. К.Роджерс ва Р.Даймонднинг “Ижтимоий-психологик мослашувни аниқлаш” методикаси.
8. Д.Х.Олсон, Дж.Портнер, И.Лавининг “Оилавий мослашув ва жипслик шкаласи”.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги «SPSS-15.0» математик статистика методлари мажмуаси бўйича ўртача қиймат ва унинг вариацияси, стандарт оғиш, Стюдент мезони, Пирсон бўйича корреляция коэффициентини ҳисоблаб чиқиш билан асосланди.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Тахминимизча,

- келинлар янги оилага мослашувининг этнопсихологик хусусиятлари маълум бир этнос урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, этномаданий хулқ-атвор шакллари орқали намоён бўлиши эҳтимол;

- келинларнинг янги оилага мослашиш жараёнига ҳар бир оиладаги ўзига хос психологик муҳит, тартиб-қоидалар, удумлар билан бир қаторда келинларнинг индивидуал-типологик хусусиятлари, ижтимоий-психологик жиҳатдан оилавий ҳаётга, янги ижтимоий ролларга, ўзаро таъсирга кириша олиш, янги мажбуриятларга мослашиш малакалари ҳам аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Тадқиқотимизнинг методологик асоси онг ва фаолият бирлиги тамойили (А.Н.Леонтьев), детерминизм тамойили (С.Л.Рубинштейн), шахснинг психологик ва ижтимоий-психологик мослашуви бўйича жаҳон психологиясида илгари сурилган концепциялар (З.Фрейд, К.Роджерс, А.Маслоу, Г.М.Андреева, А.В.Лазурский, Д.В.Ольшанский) ҳамда мамлакатимиз психолог олимларидан М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова ва бошқаларнинг илмий ғояларига таянади. Шунингдек, биз тадқиқотимизда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган оила муаммоларига оид фикрлари, Шарқ мутафаккирларининг оила ва никоҳ масалаларига бағишланган қарашларига асосландик.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Қозоқ оилалари келинларининг янги оилага мослашув жараёнига мазкур этносдаги ўзига хос урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, этнопсихологик хусусиятлар таъсир кўрсатади.

2. Келинларнинг янги оилага мослашиб кетишида ҳар бир оиладаги ўзига хос психологик муҳит, тартиб-қоидалар, удумлар билан бир қаторда келинларнинг индивидуал-типологик хусусиятлари, ижтимоий-психологик жиҳатдан оилавий ҳаётга, янги ижтимоий ролларга, мажбуриятларга мослашиш малакалари ҳам аҳамиятли роль ўйнайди.

3. Қозоқ оилаларида экзогам, ўзбек оилаларида эса эндогам никоҳ устувор бўлиши натижасида, келинларнинг янги оилага мослашувида муайян тафовутлар мавжуд.

4. Мослашув жараёнининг мураккаб кечиши келинларда ўзини ўзи баҳолаш тизими даражасининг пасайишига, низоли хулқ-атворга мойилликнинг ортишига, хавотирланиш даражасининг юқори бўлиши ва эмоционал беқарорликка олиб келади.

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотда илк бор қозоқ оилаларида янги оила қурган келинларнинг оилага мослашуви этнопсихологик жиҳатдан

ўрганилди. Қозоқ оилалари келинларининг янги оилага мослашув жараёнига мазкур этноснинг ўзига хос урф-одатлари, қадриятлари, анъаналари, этнопсихологик хусусиятлари каби омиллар таъсир кўрсатиши аниқланди. Келинлар оилага мослашувида уларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлик даражаси, шахслараро муносабатларга, янги ижтимоий ролларга кириша олиш малакаларининг аҳамияти исботлаб берилди. Шу нарса аниқландики, янги турмуш қурган келинларда оилада ҳукмронлик ва рақобатга интилмаслик ҳамда низоли вазиятлардан қочишга мойиллик мавжуд. Келинларнинг оилага мослашув даражасининг ортиши билан ўзига адекват баҳо бериш, атрофдаги кишиларни қабул қилиш ва улар билан низога бормасдан меъёрни сақлашга интилиш қайд этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот давомида олинган маълумотлар “Оила психологияси”, “Шахслараро муносабатлар психологияси”, “Ижтимоий психология”, “Этнопсихология”, “Оила педагогикаси” каби соҳаларни янги материаллар билан бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, этнопсихология ва оила психологияси соҳасида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда, психологик тавсияномалар яратишда, илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйишда, оилавий турмуш, эр-хотин ва қайнона-келин муносабатларини такомиллаштиришда мазкур натижалардан фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини оила ва оила-никоҳ масалалари билан шуғулланадиган ходимлар фаолиятида, олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежи талабаларига мўлжалланган “Шахслараро муносабатлар психологияси”, “Оила психологияси”, “Этнопсихология” курсларини ўқитишда қўлланма сифатида, шунингдек, аҳоли ўртасида оилавий ўзаро муносабатларга оид психологик билимларни тарғиб қилишда қўллаш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари оила-никоҳ масалалари билан шуғулланувчи амалий психологларнинг фаолиятларида, никоҳ уйларида ва маҳалла фуқаролар йиғинида қўлланилади. Диссертация иши натижаларидан келиб чиқадиган хулосалардан Навоий вилояти Конимех ва Навбаҳор туманларидаги маҳалла қўмиталарида, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш йўналишларида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш ва психологик маслаҳатлар беришда фойдаланилди (09.11.2009 йилдаги далолатнома; комиссия раиси – Абдираманов У., 25.03.2010 йилдаги далолатнома; комиссия раиси – С.Қозоқов). Шунингдек, диссертация материалларидан Ўзбекистон Миллий университети психология бўлими талабаларига “Ижтимоий психология”, “Этнопсихология”, “Оилавий муносабатлар психологияси”, “Шахслараро муносабатлар психологияси” фанларидан маъруза, семинар ва амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланилмоқда (02.05.2011 йилдаги далолатнома, раис – доц. А.И.Расулов).

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Илмий иш Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети “Психология” кафедрасининг кенгайтирилган йиғилишида (20.04.2011 йил, 20-сонли баённома) ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги К.067.18.04 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий методологик семинар йиғилишида (03.11.2011 йил, 8-сонли баённома) муҳокама қилинди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқот юзасидан жами 12 та илмий мақола ва тезислар нашр қилинган бўлиб, улардан 4 таси ОАК рўйхатига киритилган журналларда, 8 таси республика ва халқаро илмий анжуман маърузалари тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, 11 та параграф, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 145 бет, 20 та расм, 11 та жадвал ва иловалардан тузилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, методлари, фарази, методологик асослари, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти баён этилган.

Биринчи боб **“Оила-никоҳ муносабатларининг этник ва ижтимоий-психологик жиҳатлари”** деб номланади. Мазкур бобнинг “Шарқ мутафаккирларининг оила ҳақидаги қарашлари” деб номланган биринчи параграфида муқаддас Қуръони Карим, Ҳадиси шариф, Шарқ мутафаккирлари ва давлат арбоблари – Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Алишер Навоий, Шал (Тилеуке) Кулкеўғли, Аҳмад Дониш, Абай Қўнанбаев, Ризоуддин ибн Фаҳруддин, Фаҳр-ул Банот Сибғатуллоҳ қизи, Абдурауф Фитрат ва бошқаларнинг асарларидаги оила-никоҳ муносабатлари, оиладаги шахслараро муносабатлар, ота-онанинг вазифалари, фарзандлар бурчи ҳақида ғоялари баён этилган.

Биринчи бобнинг “Замонавий психологияда оила муаммосининг ўрганилиши” деб аталган иккинчи параграфида хориж ва мамлакатимиз олимларининг оила муаммоларига бағишланган тадқиқотлари таҳлил этилган. Ю.Е.Алешина, Я.И.Арцимович, Л.В.Мудрик, Н.Н.Обозов, А.Г.Харчев, В.К.Шабельников, Э.Г.Эйдемиллер, В.И.Юстицкис ва бошқа кўпгина муаллифлар тадқиқотларида оила типлари, оила-никоҳ масалалари, шахслараро муносабатлар ва таълим-тарбия, оилада тақсимланган роллар, оила аъзоларининг мавқеи, низо мотивларига оид ғоялар талқин этилган. Шунингдек, мамлакатимиз психолог оимлари М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, М.М.Маматов, Н.Салаева, Р.С.Самаров,

М.А.Утепбергенов, Ш.Ш.Жўраева, М.Х.Файзиева, М.С.Салаева, Р.Х.Душанов, Н.Х.Лутфуллаева, Т.Б.Норимбетов тадқиқотларида нафақат ўзбек оиласи, балки мамлакатимиз ҳудудида яшовчи бошқа миллат вакиллари оилаларининг ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятлари ёритилган.

“Қозоқ этносида оила-никоҳ муаммоларининг тадқиқ этилиши” деб номланган учинчи параграфда қозоқ оиласи, оила қуришдаги никоҳ шакллари, уйланиш билан қалин пули, шунингдек, қозоқ оилаларидаги маданий ҳаёт ҳамда никоҳ муносабатлари қозоғистонлик олимлар И.Алтинсарин, Н.Сарсенбаев, Н.Джондильдин, Қ.Жарикбаев, Х.Арғинбаев тадқиқотлари таҳлили асосида ўз аксини топган. Бошқа халқлар каби қозоқ халқи ҳам ўзига хос тарихий анъаналари, удумлари, расм-русумлари ва миллий қадриятлари билан ажралиб туради. Қизларни никоҳга тайёрлаш масаласи қозоқ оилаларида ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Қиз бола вояга етаётган ҳар бир хонадонда унинг барча хатти-ҳаракатлари маълум даражада назорат остига олинади. Уларни халқимизнинг энг яхши урф-одатлари, удум ва миллий қадриятлари асосида оилавий ҳаётга тайёрлаш момо ва оналаримизнинг бурчи ҳисобланади. Янги тушган ёш келин оила аъзолари, оиладаги қонун-қоидалар, урф-одатлар ва миллий қадриятларга мослаша бориб, ўзи ҳам шу оиланинг аъзосига айланади. Қозоқ миллатида оила-никоҳ муносабатлари, қизлар тарбиясига, аёлнинг оиладаги ролига оид тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, келинларнинг оилага мослашуви муаммолари бўйича маълумотлар деярли йўқ ёки бошқа мавзулар орасида қисқача тавсиф кўринишига эга.

Мазкур бобнинг тўртинчи параграфи оилага мослашувнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини тадқиқ этиш бўйича олиб борилган изланишлар таҳлиliga бағишланган. Л.Б.Шнейдер, Т.Б.Карцева, Е.С.Калмикова, А.Н.Волкова, Е.И.Трапезникова, Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова тадқиқотларида никоҳ инсон ҳаётидаги туб бурилиш ҳодисаси деб баҳоланади, бу даврда шахс ривожланиш вазиятининг ўзгариши, бунинг натижасида роллар алмашинуви, ўзаро таъсирга киришувчи шахслар доирасининг ҳамда ҳал қилинадиган ҳаётий муаммолар ва турмуш тарзининг ўзгариши юз бериши таъкидланади. Ўз ичига ҳам ижобий, ҳам салбий ўзгаришларни қамраб олган бундай ҳаётий ҳодисаларнинг юз бериши муаллифлар фикрича, шахсда “мен” тизимининг қайта қурилишига олиб келади ва шахс томонидан оғриқли кечинилади. Турмуш қургандан кейинги дастлабки бир-икки йил муомаланинг индивидуал стереотиплари шаклланиши, қадриятлар тизими мослашуви, умумий хулқ-атворнинг ишлаб чиқиши даври эканлиги эътироф этилади. Олимлар оилага мослашувни ролли, шахслараро, психологик, маънавий турларга ажратадилар. Оилавий мослашув бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили авваламбор, аёлнинг – келиннинг оилага мослашуви хусусиятлари, унга таъсир этувчи этнопсихологик омиллар ролини очиб берувчи тўлиқ илмий тадқиқотлар

ҳали олиб борилмаганлигини, жумладан қозоқ оиласида янги келинлар мослашувига тўсқинлик қилувчи сабаблар, оила барқарорлигини мустаҳкамловчи омиллар масалаларига бағишланган илмий маълумотлар етарли эмаслигини кўрсатди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Келинлар оилага мослашувига таъсир этувчи этнопсихологик ва индивидуал-типологик хусусиятларни ўрганиш”** деб номланган бўлиб, ўз ичига тадқиқотнинг методологик асослари, унинг ташкил этилиши ва босқичлари, қўлланилган методикалар тавсифи ҳамда тадқиқотнинг илк босқичларида олинган натижалар таҳлилини қамраб олган. Тадқиқотнинг методологик асосларини ёритишда Е.П.Белинская, И.К.Кряжева, А.В.Сидоренков, О.А.Тихомандрицкая, Ф.Б.Березин, А.А.Налчанджян, Г.М.Андреева, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, шунингдек мамлакатимиз олимлари М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова илмий ишларида психологик ва ижтимоий-психологик мослашув бўйича илгари сурилган ғоялар талкин этилган.

Мазкур бобда шунингдек, тадқиқотда қўлланилган методикаларнинг тавсифи, суҳбат-интервью, ижтимоий-психологик сўровнома, К.Роджерс ва Р.Даймонднинг “Ижтимоий-психологик мослашувни аниқлаш” ҳамда Айзенкнинг “Экстраверсия-интроверсия ва нейротизмни аниқлаш” методикалари натижалари таҳлил этилган. Янги оила қурган қозоқ келинлари билан суҳбат-интервью давомида уларнинг оилага мослашувида тўсқинлик қилувчи омиллар асосан миллий урф-одат ва анъаналар билан боғлиқ эканлиги маълум бўлди. Қозоқ оилаларида келин эрнинг қариндошларини янги исм билан аташи лозим. Келинлар айнан исм танлашда қийналаётганликлари, улар танлаган исм оила аъзоларига ёқадими-йўқми – ана шундан ташвишланишларини баён этдилар. Маълумки, қозоқ оилаларида келин умрбод ўз оила аъзолари билан тўқнаш келганда уларга каттами, кичикми таъзим қилиши керак. Келинлар ана шу борада ҳам қийинчиликлар мавжудлигини, яъни баъзида таъзим қилишни эсдан чиқариб кўяётганликлари ва бундан хижолат бўлаётганларини, кўп ҳолларда эса таъзим қилишни унутиб, ноқулай вазиятда қолишдан доим кўрқиб юришларини билдирдилар.

Бундан ташқари биз тадқиқот олиб борган қозоқ келинлари асосан бошқа туман ёки вилоятлардан ёхуд Қозоғистон Республикасидан келин бўлиб тушганликлари боис қадрдонлардан узокда бўлиш, улар билан кўпроқ кўришиб туриш имкониятининг йўқлиги ҳам янги оилага мослашувни қийинлаштираётганини таъкидладилар. Кичик оилаларда вояга етиб 10 ва ундан ортиқ фарзандли оилаларга келин бўлганларда ҳам оилавий мослашувчанлик паст даражада эканлиги суҳбат-интервью давомида маълум бўлди. Ўз навбатида назорат гуруҳини ташкил этган ўзбек келинлари билан олиб борилган суҳбат-интервью оилавий мослашувга монеълик қилаётган

асосий омиллар уй-рўзгор юмушларини бажариш, оила талабларини қабул қилиш билан боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Оилавий ҳаётнинг дастлабки бир-икки йилларида муомаланинг индивидуал стереотиплари шаклланади, қадриятлар тизими мослаштирилади, умумий хулқ-атвор йўналишлари ишлаб чиқилади. Айнан шу даврда эр-хотинларнинг ўзаро мослашуви, уларнинг ҳар иккаласини ҳам қониқтирадиган ўзаро муносабатлар типини излаш юз беради. Янги келин-куёвлар бир-бирларидан кўп нарса кутадиладар. Кўпгина жуфтликлар оиладаги эркак ва аёл ўртасидаги роллар тақсимооти ҳақида аниқ тасаввурга эга. Бундан ташқари ёш келин-куёвларда оилавий ҳаётни бирмунча идеаллаштириш кўзга ташланади, яъни улар оилавий ҳаётдан биринчи навбатда ўзларининг маънавий ўсишга ва ўз-ўзини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжларини қондиришни кутадиладар, бунда асосан турмуш ўртоқларига суянишга ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга барча туркий халқлар урф-одатларида дастлаб ота-оналар билан яшаш, кейинчалик эса мустақил бўлиб чиқиш тенденцияси мавжуд. Келин нафақат турмуш ўртоғи, балки унинг ота-онаси ва оиланинг бошқа аъзолари билан ҳам ўзаро муносабатларга киришиши, улар билан тил топа билиши, оилани бошқа аъзоларининг келинга муносабати ҳам унинг мослашиб кетишида маълум даражада роль ўйнаши табиий.

Оилага мослашиш жараёнида турмуш ўртоғининг ва оиланинг бошқа аъзолари ролини кўрсатиб ўтган ҳолда, келинлар мазкур жараённинг қандай кечиши уларнинг ўзларига ҳам боғлиқ эканликларини унутмаганлари тадқиқотдан маълум бўлди. Янги оилага мослашиш келинлардан ҳам баъзи бир чегараланишларни қабул қилиш, янги хулқ-атвор нормаларини ўзлаштириш малакасини талаб қилади. Ана шу хулқ-атвор нормаларини ўзлаштиришда эса улардаги индивидуал-психологик хусусиятлар билан бир қаторда атрофдагиларнинг келин билан ҳамкорликка тайёрлиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Келинларда ўтказилган ижтимоий-психологик сўровнома натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, янги оилага мослашиб кетиш ҳар иккала миллат вакиллари бўлмиш келинлар учун мураккаб жараён ҳисобланади. Буни келинларнинг ўзлари ҳам субъектив жиҳатдан яхши тушунадиладар ва бунга руҳан тайёр ҳамдирлар. Қозоқ оиласи келинларининг 64%и ва ўзбек оиласи келинларининг 40%и қайнона билан, қозоқ оиласи келинларининг 18%и, ўзбек оиласи келинларининг 12%и қайинсингил билан тил топишиш ва унга мослашиш қийин кечаётганлигини қайд этишган.

Ижтимоий-психологик сўровномага қайноналарнинг берган жавоблари таҳлили ҳам келинларнинг янги оилага мослашуви осон кечмаслиги, қозоқ оилаларида келинлардаги мослашув жараёни мураккаброқ эканлигидан далолат беради. Келинларнинг янги оилага мослашиб кетишлари қайноналар фикрича, уларнинг оила аъзолари билан ўзаро таъсирга киришиш малакаси, мулоқотмандлик, самимийлик, сабр-тоқат, оила аъзоларининг феъл-атворини тушуна олиш каби хусусиятларга боғлиқ. Қозоқ оиласидаги қайноналарнинг


52%и ва ўзбек оиласидаги қайноналарнинг 46%и келинларнинг оиладаги ўзига хос урф-одат ва қонун-қоидаларга мослашуви қийин кечаётганлигини қайд этишган. Кўриб турганимиздек, қозоқ оиласидаги келинлар ва қайноналарнинг фикрида ўхшашликлар мавжуд, яъни айнан урф-одатлар билан боғлиқ хулқ-атвор типларини шакллантиришда қозоқ келинлари бир қатор қийинчиликларга дуч келадилар. Юқоридаги натижалардан келиб чиққан ҳолда, биз келинларнинг мослашув жараёнига маълум бир этносдаги урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, ҳудудий ва маънавий омиллар таъсир кўрсатишини эътироф этишимиз мумкин.

Айзенк сўровномаси натижаларига кўра, қозоқ оиласидаги келинларнинг 40%и ва ўзбек оиласидаги келинларнинг 24%и индивидуал-типология хусусиятларига кўра барқарор–экстраверт типга, қозоқ оиласи келинларининг 16%и, ўзбек оиласидаги келинларнинг 38%и беқарор–экстраверт типга мансуб эканлиги аниқланди. Барқарор–интроверт тип қозоқ оиласи келинларининг 34%и ва ўзбек оиласидаги келинларнинг 30%ида, беқарор–интроверт типи қозоқ оиласи келинларининг 10%и ва ўзбек келинларнинг 8%ида қайд этилди. Нейротизм шкаласи қозоқ оиласидаги келинларнинг 20%и ва ўзбек оиласидаги келинларнинг 26%ида юқори даражани ташкил қилди. Жуда юқори нейротизм даражалари қозоқ оиласи келинларининг 14%ида ва ўзбек оиласи келинларининг 10%ида намоён бўлди.

К.Роджерс ва Р.Даймонднинг “Ижтимоий-психологик мослашувни аниқлаш” методикаси натижаларига кўра, қозоқ оиласи келинларида мослашув даражаси бўйича ўртача арифметик қиймат 104,70 ни, ўзбек оиласи келинларида 125,28 ни ташкил этди. Маълумотлар қозоқ оиласидаги келинларга нисбатан ўзбек оиласидаги келинларнинг янги оилага мослашуви юқори даражада эканлигини кўрсатган. Методика шкалалари бўйича натижаларнинг корреляцион таҳлили шуни кўрсатдики, қозоқ оиласидаги келинларда мослашув шкаласи кўрсаткичлари билан ўзини ёқтириш, бошқаларни қабул қилиш, ҳиссий қулайлик, ички назорат кўрсаткичлари ўртасида ижобий корреляцион алоқадорлик мавжуд ($r=0,818$, $p<0,01$; $r=0,709$, $p<0,01$; $r=0,472$, $p<0,01$; $r=0,643$, $p<0,01$). Ўзбек оиласидаги келинларда эса мослашув шкаласи кўрсаткичлари билан ўзини ёқтириш, бошқаларни қабул қилиш, ҳиссий қулайлик, ички назорат, қарамлик ва эскапизм кўрсаткичлари ўртасида ижобий корреляцион алоқадорлик аниқланди ($r=0,762$, $p<0,01$; $r=0,725$, $p<0,01$; $r=0,506$, $p<0,01$; $r=0,906$, $p<0,01$; $r=0,516$, $p<0,01$; $r=0,348$, $p<0,05$). Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, барқарор–экстраверт ва беқарор–экстраверт типга мансуб келинларда мослашув даражаси юқорироқ кўрсаткичларга эга, бироқ корреляцион таҳлил экстраверсия-интроверсия кўрсаткичлари ва мослашув даражаси ўртасида ишончли алоқадорлик мавжудлигини кўрсатмади. Шунингдек, мослашув жараёнининг мураккаблиги нейротизм даражасининг юқори бўлишига олиб келиши аниқланди.

Диссертациянинг “**Келинлар оилага мослашувининг ижтимоий-психологик омиллари**” деб номланувчи учинчи бобида келинлар оилага мослашувига таъсир этувчи бир қатор омиллар таҳлил этилган.

Келин-куёвларнинг никоҳга маънавий тайёргарлигини ўрганиш натижаларига кўра, қозоқ оиласидаги келинларда никоҳга маънавий тайёргарликнинг ўртача арифметик қиймат кўрсаткичлари 55,00 ни ва ўзбек оиласидаги келинларда 56,00 ни ташкил этди. Шунингдек, қозоқ оиласида куёвларнинг никоҳга маънавий тайёргарлиги ўртача арифметик қиймат кўрсаткичлари 62,14 ни ташкил этган бўлса, ўзбек оиласидаги куёвларда 58,64 га тенг эканлиги қайд этилди (1-расм).



1-расм. Синалувчиларнинг никоҳга маънавий тайёргарлик даражалари кўрсаткичлари

Барча синалувчиларда никоҳга маънавий тайёргарлик ва ижтимоий-психологик мослашув натижаларининг корреляцион таҳлили улар орасидаги ижобий алоқадорликни кўрсатди ($r=0,202$; $p<0,05$).

Рафиқ ва рафиқа муносабатларини ўрганиш методикаси бўйича қозоқ оиласидаги келинларнинг турмуш ўртоғига муносабати ўртача арифметик қиймати 22,28 ни, ўзбек оиласидаги келинларда 20,66 ни ташкил этди ($p<0,01$). Қозоқ оиласидаги куёвларнинг турмуш ўртоғига муносабатининг ўртача арифметик қиймати 20,86 ни, ўзбек оиласидаги куёвларда эса 19,80 ни кўрсатди. Ушбу кўрсаткичларга таянган ҳолда, қозоқ ҳамда ўзбек оиласидаги рафиқ ва рафиқа муносабатларининг ижобий характерда эканлиги ҳақида ҳулоса қилиш мумкин. Ҳар иккала миллат оилаларидаги келин-куёвларнинг никоҳдан қониққанлик даражалари нормал кўрсаткичларга мос келади. Ёш

келин ва куёвлар умр йўлдошининг кўпроқ нималарга қизиқишини билишга интилишлари, бўш вақтларини биргаликда мазмунли ўтказишга ҳаракат қилишлари тадқиқот натижаларидан маълум бўлди.

Рафиқ ва рафиқа муносабатини баҳолаш ҳамда К.Роджерс ва Р.Даймонднинг “Ижтимоий-психологик мослашув” методикаси натижаларининг корреляцион таҳлили турмуш ўртоғига муносабат ҳамда мослашув даражаси ўртасида ишончли алоқадорлик мавжудлигини кўрсатмади. Бир қатор муаллифлар оила-никоҳ мослашувини мураккаб, кўп босқичли жараён эканлигини эътироф этган ҳолда, мазмунан мазкур жараён иккита компонент бирлигидан иборат эканлигини таъкидлайдилар: ўз турмуш ўртоғига мослашув ва ўз ичига уй-рўзғор ишлари, психологик роллар, янги мажбуриятлар, ҳуқуқлар, меҳнат тақсимотини қамраб олган оилавий ҳаётга мослашув. Бизнингча, оилавий ҳаётнинг дастлабки йилида келинларнинг оилага мослашувидаги мураккабликлар айнан иккинчи компонент, яъни уй-рўзғор ишлари, психологик роллар, янги мажбуриятлар, ҳуқуқлар, меҳнат тақсимоти билан боғлиқ. Қозоқ келинларининг турмуш ўртоғига муносабати кўрсаткичларининг ўзбек келинларига нисбатан юқори бўлишига қарамай, мослашув даражаси кўрсаткичлари пастлигини иккинчи компонент билан боғлаб тушунтириш мумкин.

К.Томаснинг “Низоли вазиятлардаги хулқ-атвор стратегияларини аниқлаш” сўровномаси бўйича олинган натижалар ҳар иккала гуруҳ келинлари низоли вазиятлардан иложи борица қочишга ҳаракат қилишлари, келинлик даврининг бошланғич босқичларида кўпроқ ҳамкорлик йўналишига интилишларини кўрсатди (1-жадвал).

1-жадвал

**Қозоқ ва ўзбек келинларида низоли вазиятлардаги хулқ-атвор
стратегиялари кўрсаткичлари
(n=100)**

Шкалалар	Оилалар	х	σ	t
Рақобат	Қозоқ (5 ўрин)	5,16	2,06	2,912*
	Ўзбек (5 ўрин)	3,96	2,56	
Ҳамкорлик	Қозоқ (2 ўрин)	6,52	1,78	2,682*
	Ўзбек (4 ўрин)	5,56	1,64	
Келишув	Қозоқ (4 ўрин)	5,36	1,53	-3,009**
	Ўзбек (3 ўрин)	6,44	1,73	
Вазиятдан қочиш	Қозоқ (1 ўрин)	6,58	1,29	-0,394
	Ўзбек (2 ўрин)	6,70	1,80	
Мослашув	Қозоқ (3 ўрин)	6,38	1,55	-2,903*
	Ўзбек (1 ўрин)	7,34	1,97	

Изоҳ: * $p < 0,05$; ** $p < 0,01$

Қозоқ ва ўзбек oilаларидаги келинларда рақобат йўналиши билан ҳамкорлик, келишув, вазиятдан қочиш ва мослашув кўрсаткичлари ўртасида ишонч даражасидаги манфий корреляцион aloқадорлик аниқланди (қозоқ келинларида: $r=-0,543$, $p<0,01$; $r=-0,332$, $p<0,05$; ўзбек келинларида: $r=-0,582$, $p<0,01$; $r=-0,328$, $p<0,05$; $r=-0,541$, $p<0,01$) (2- ва 3-жадваллар). Иккала гуруҳ келинларида рақобатнинг ортиши билан ҳамкорлик, келишув, вазиятдан қочиш ва мослашувнинг пасайиб бориши, ҳамкорлик йўналишининг ортиши билан вазиятдан қочиш ва мослашув услубларининг пасайиши кузатилди (қозоқ келинларида: $r=-0,336$, $p<0,05$; ўзбек келинларида: $r=-0,505$, $p<0,01$; $r=-0,330$, $p<0,05$). Бинобарин, ҳар иккала миллат келинларида ҳам oilавий муносабатларда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш, ўз муомаласи ва хулқ-атворини назорат қилишга интилиш, ижтимоий-ролли кутилмаларга жавобан oilадаги тартиб-қоидаларни ўзлаштириш ва уларга мослашиш, уй-рўзгор ишларини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилиш кузатилади.

2-жадвал

**Низоли вазиятлардаги хулқ-атвор стратегиялари кўрсаткичлари
ўртасидаги корреляцион aloқадорлик коэффициентлари
(қозоқ oilаси келинларида)**

Шкалалар	Рақобат	Ҳамкорлик	Келишув	Вазиятдан қочиш	Мослашув
Рақобат	1	-0,543**	-0,231	-0,173	-0,332*
Ҳамкорлик		1	0,049	-0,336*	-0,198
Келишув			1	-0,353*	-0,444**
Вазиятдан қочиш				1	0,132
Мослашув					1

Изоҳ: * $p<0,05$; ** $p<0,01$

3-жадвал

**Низоли вазиятлардаги хулқ-атвор стратегиялари кўрсаткичлари
ўртасидаги корреляцион aloқадорлик коэффициентлари
(ўзбек oilаси келинларида)**

Шкалалар	Рақобат	Ҳамкорлик	Келишув	Вазиятдан қочиш	Мослашув
Рақобат	1	0,068	-0,582**	-0,328*	-0,541**
Ҳамкорлик		1	-0,145	-0,505**	-0,330*
Келишув			1	-0,029	0,021
Вазиятдан қочиш				1	-0,045
Мослашув					1

Изоҳ: * $p<0,05$; ** $p<0,01$

Д.Х.Олсон, Дж.Портнер, И.Лавининг “Оилавий мослашув ва жипслик шкаласи” методикаси бўйича олинган натижалар қозоқ оиласидаги келинларда ҳиссий яқинлик бўйича ўртача арифметик қиймат реал вариантда 12,64 ни, куёвларда 14,08 ни, қайноналарда 13,78 ни, қайинсингил ва қайинукаларда 13,98 ни, идеал вариантда эса келинларда 11,80 ни, куёвларда 3,82 ни, қайноналарда 13,80 ни, қайинсингил ва қайинукаларда 14,0 ни ташкил этганлигини кўрсатди. Роллар шкаласининг реал варианты бўйича ўртача арифметик қиймат қозоқ оиласидаги келинларда 8,34 ни, куёвларда 8,96 ни, қайноналарда 8,12 ни, қайинсингил ва қайинукаларда 9,84 ни, идеал вариант бўйича келинларда 7,84 ни, куёвларда 10,70 ни, қайноналарда 8,84 ни, қайинсингил ва қайинукаларда 10,28 ни ташкил этди. Ўзбек оиласидаги реал вариант бўйича роллар кўрсаткичида ўртача арифметик қиймат келинларда – 7,58 ни, куёвларда – 8,18 ни, қайноналарда – 8,26 ни, қайинсингил ва қайинукаларда – 8,12 ни, идеал вариантда эса келинларда – 7,46 ни, куёвларда – 8,20 ни, қайноналарда – 8,72 ни, қайинсингил ва қайинукаларда – 8,32 ни кўрсатди. Қозоқ оиласидаги роллар кўрсаткичи куёв ва қайноналарда реал вариантга нисбатан идеал вариант юқорилигини қайд этилди. Иккала гуруҳ оилаларида ҳам реалга нисбатан идеал оила тасавури нисбатан юқори эканлигини таъкидлаш мумкин. Методика натижалари таҳлили оила аъзолари ўртасида ҳиссий яқинлик, оила жипслиги, ҳамжиҳатлик, оиладаги тартиб-интизом ва қоидаларнинг тўғри йўлга қўйилганлиги ҳам келинларнинг мослашув жараёнига ижобий таъсир этишини кўрсатди.

ХУЛОСА

Келинлар оилага мослашувининг этнопсихологик хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқот натижалари назарда тутилган илмий фаразларни тасдиқлади. Олинган эмпирик маълумотларни умумлаштириш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди.

1. Қозоқ оилалари келинларининг янги оилага мослашув жараёнига мазкур этносдаги ўзига хос урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, этнопсихологик хусусиятлар таъсир кўрсатади.

2. Янги оилага мослашув жараёни қозоқ оиласидаги келинларда ўзбек оиласи келинларига нисбатан мураккаброқ кечиши ва асосан миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар билан боғлиқ хулқ-атвор шакллариини ўзлаштиришдаги қийинчиликлар билан характерланиши аниқланди.

3. Барқарор-экстраверт ва беқарор-экстраверт типга мансуб келинларда мослашув даражаси юқорироқ кўрсаткичларга эга, бироқ корреляцион таҳлил экстраверсия-интроверсия кўрсаткичлари ва мослашув даражаси ўртасида ишончли алоқадорлик мавжудлигини кўрсатмади. Шунингдек, мослашув

жараёнининг мураккаблиги нейротизм даражасининг юқори бўлишига олиб келиши аниқланди.

4. Келинлар оилага мослашувига никоҳга маънавий тайёргарлик, рафик ва рафиқа муносабатлари характери, оилавий жипслик ва ҳамжиҳатлик, оила аъзоларининг келинга муносабати каби омиллар таъсир кўрсатиши маълум бўлди.

5. Келинларда оилага мослашув даражасининг ортиши билан ўзига адекват баҳо бериш, атрофдаги кишиларни қабул қилиш ва улар билан низога бормасдан меъёрни сақлашга интилиш қайд этилди.

6. Келинларда мослашув жараёнининг қийин кечиши ўзини ўзи баҳолаш тизимининг пасайишига, эмоционал беқарорликка, хавотирланиш даражасининг юқори бўлишига, низоларга мойилликнинг кучайишига олиб келади.

7. Келинларда ҳамкорликка интилиш, шахслараро ўзаро муносабатларга кириша олиш, атрофдагиларни эмоционал ва рационал тушуна олиш, ўзини ўзи назорат қила олиш, шароитга қараб хулқ-атворнинг адекват типини танлай олиш қобилиятларини ривожлантириш оилага мослашувнинг муваффақиятли кечишини таъминлайди.

ТАВСИЯЛАР

Келинлар оилага мослашувининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганишга бағишлаб ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидаги амалий тавсияларни бериш учун имкон яратди:

1. Қизлар тарбиясида шахслараро муносабатларга кириша олиш, янги шароит, ижтимоий роллар ва мажбуриятларга мослаша олиш, ўзини ўзи назорат қила билиш малакаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

2. Қизлар тасаввурида янги оила хусусида ижобий хислатларни шакллантириш, миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар мавзусида турли хил давра суҳбатлари, шароитга қараб хулқ-атвор шакллари ўзгартира олиш малакаларини ривожлантириш бўйича ижтимоий-психологик тренинглар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

3. Маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталари, психологик маслаҳат марказлари қошида ёш келин-куёвларга психологик хизмат кўрсатиш, улар билан оилавий муносабатлар маданиятини шакллантириш, оилага мослашиш жараёнига таъсир этувчи тўсиқларни енгиш копинг-стратегиясини ишлаб чиқишда кўмаклашиш борасидаги тадбирларни амалга ошириш, зарур ҳолларда турли соҳадаги малакали мутахассисларни бу жараёнга жалб этиш ёш оилалар барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

4. ФХДЁ қошида ёш келин-куёвлар билан ишловчи мутахассислар ёшлар ўртасида оила барқарорлигини таъминлашда никоҳга, оилавий ҳаётга маънавий-руҳий тайёргарликнинг ўрни ҳақида тарғибот ишларини олиб

боришлари, уларнинг никоҳга маънавий тайёргарлик ва ўзаро мослик даражаларини ишончли методикалар ёрдамида ташхис қилиб, бўлажак оилага таҳдид солиши мумкин бўлган психологик омилларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишлари зарур.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Арапбаева Д.К. Қайнона-келин муносабатларининг ўзига хос этнопсихологик хусусиятлари // Ҳозирги замон фанида инсон муаммолари Республика илмий конференцияси тезислар тўплами. – Тошкент, 2007. – Б. 12-14.

2. Арапбаева Д.К. Ўспирин қизлар(келин)нинг бирламчи гурӯҳдаги статусининг этнопсихологик хусусиятлари // Миллий ғоя ва мафкуранинг фалсафий-ҳукукий фанлар ривожига аҳамияти. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 186-192.

3. Арапбаева Д.К. Келинларнинг оилага мослашувининг ўзига хос психологик хусусиятлари // Труды международной научно-практической конференции “Казахстан в новом мире и проблемы Национального образования”. – Шымкент, 2008. Том I. – С. 33-36.

4. Арапбаева Д.К. Бирламчи гурӯҳдаги (оила) ўспирин қизларнинг ўзига хос психологик таҳлили (келинлар мисолида) // Аспирант, тадқиқотчи, магистр ва бакалавр талабалар илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2008. – Б. 8-11.

5. Арапбаева Д.К. Бирламчи гуруҳ (оила) муаммосининг психология фанида ўрганилиши // XXI асрда ижтимоий-сиёсий жараёнлар (Ёш олимлар илмий-амалий конференция материаллари тўплами II-қисм. – Тошкент, 2008. – Б. 18-21.

6. Арапбаева Д.К. Шарқ олимларининг оила ва аёллар хусусида қарашлари // Ўзбекистонда амалий психологиянинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Тошкент, 2008. – Б. 36-38.

7. Арапбаева Д.К. Қозоқ халқининг ўзига хос урф-одат ва удумлари // Баркамол шахсни шакллантиришнинг илмий-услубий муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Фарғона, 2009. – Б. 67-69.

8. Арапбаева Д.К. Қозоқ халқининг этнопсихологик хусусиятларининг ўрганилиш тарихидан // XXI асрда ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти (Ёш олимлар илмий конференцияси материаллари II-қисм) – Тошкент, 2009. – Б. 100-103.

9. Арапбаева Д.К. Психологияда ижтимоий мослашувнинг ўрганилганлик ҳолати // Бола ва замон. – Тошкент, 2009. - №2. – Б. 40-41.

10. Арапбаева Д.К. Ўсмир қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш (қозоқ оиласи мисолида) // Бола ва замон. – Тошкент, 2009. - №3. – Б. 31-33.

11. Арапбаева Д.К. Турмуш кураётган ёшларнинг оилага мослашувининг ижтимоий-психологик хусусиятлари // Мактаб ва ҳаёт. – Тошкент, 2010. - №2. – Б. 10-11.

12. Арапбаева Д.К. Келинлар оилага мослашувининг этнопсихологик хусусиятлари (ўзбек ва қozoқ оилалари мисолида) // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2011. - №1/1. – Б. 152-155.

Психология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Арапбаева Дамегул Курбановнанинг 19.00.05 – Ижтимоий психология; этнопсихология ихтисослиги бўйича “Келинлар оилага мослашувининг этнопсихологик хусусиятлари (қозоқ оилалари мисолида)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: мослашув, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, ҳуқ-атвор, оилавий жипслик, стереотип, установка, эскапизм.

Тадқиқот объекти: қозоқ ва ўзбек оилаларидаги янги турмуш қурган келинлар (куёв, қайнона, қайинсингил ва қайинукалар жами 400 нафар).

Ишнинг мақсади: келинлар оилага мослашувининг этнопсихологик хусусиятларини қозоқ оилалари мисолида ўрганишдан иборат.

Тадқиқот методлари: суҳбат-интервью, ижтимоий-психологик сўровнома, Г.Ю.Айзенк сўровномаси, “Никоҳга маънавий тайёргарлик” тести, Э.Ғ.Ғозиевнинг “Рафиқ ва рафиқа муносабатини баҳолаш шкаласи”, К.Томаснинг “Низоли вазиятлардаги ҳуқ-атвор стратегияларини аниқлаш сўровномаси”, К.Роджерс ва Р.Даймонднинг “Ижтимоий-психологик мослашувни аниқлаш” ҳамда Д.Х.Олсон, Дж.Портнер, И.Лавининг “Оилавий мослашув ва жипслик шкаласи” методикалари, математик статистика методлари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: илк бор қозоқ оилаларида янги турмуш қурган келинларнинг оилага мослашуви этнопсихологик хусусиятлари ўрганилди. Келинлар оилага мослашувида уларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлик даражаси, шахслараро муносабатларга, янги ижтимоий ролларга кириша олиш малакаларининг аҳамияти исботлаб берилди, оилавий мослашувга таъсир кўрсатувчи ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик аниқланди.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот натижалари ёш оилалар ва оила-никоҳ муносабатлари масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг келинлар оилага мослашувини енгиллаштириш, оилавий низоларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот натижалари Навоий вилояти Навбаҳор ва Конимех туманлари маҳалла фуқаролари йиғинлари фаолиятида, Ўзбекистон Миллий университети талабалари учун “Этнопсихология”, “Шахслараро муносабатлар психологияси”, “Ижтимоий психология” фанларидан маъруза, семинар ва амалий машғулотлар олиб боришда қўлланилмоқда.

Қўлланилиш (фойдаланиш) соҳаси: этнопсихология, оила психологияси, шахслараро муносабатлар психологияси, консультатив психология.

Р Е З Ю М Е

диссертации Арапбаевой Дамегул Курбановны на тему: **“Этнопсихологические особенности адаптации невест к семье (на примере казахских семей)”** на соискание ученой степени кандидата психологических наук по специальности 19.00.05 – Социальная психология; этнопсихология

Ключевые слова: адаптация, обычаи, традиции, ценности, поведение, семейная сплоченность, стереотип, установка, эскапизм.

Объект исследования: невесты из казахских и узбекских семей, (женихи, свекрови, сестры и братья супругов, всего 400 человек).

Цель работы: изучение этнопсихологических особенностей адаптации невест к семье на примере казахских семей.

Методы исследования: беседа-интервью, социально-психологическая анкета, опросник Г.Ю.Айзенка, тест “Нравственная готовность к браку”; “Шкала оценки супружеских отношений” Э.Г.Газијева, методики: К.Томаса “Определение стратегии поведения в конфликтных ситуациях”, К.Роджерса и Р.Даймонда “Определение социально-психологической адаптации”, “Шкала семейной адаптации и сплоченности” Д.Х.Олсона, Дж.Портнера, И.Лави, методы математической статистики.

Полученные результаты и их новизна: впервые изучены этнопсихологические особенности адаптации невест, проживающих в казахских семьях. Доказана роль уровня подготовки к семейной жизни, умений взаимодействовать и принять новые социальные роли в адаптации невест к семье. Определена взаимосвязь социально-психологических и этнопсихологических особенностей, влияющих на адаптацию к семье.

Практическая значимость: Результаты исследования могут быть использованы в усовершенствовании деятельности специалистов, занимающихся проблемами молодой семьи и брачно-семейных взаимоотношений при оптимизации адаптации невест к новой семье, профилактике и решении семейных конфликтов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Материалы диссертации используются в деятельности махаллинских комитетов Навбахорского и Конимехского районов Навоийского вилоята, при проведении лекций, семинаров и практических занятий по курсам “Этнопсихология”, “Психология межличностных отношений”, “Социальная психология” для студентов Национального университета Узбекистана.

Область применения: этнопсихология, семейная психология, психология межличностных отношений, консультативная психология.

RESUME

Thesis of Arapbaeva Damegul Kurbanovna on the scientific degree competition of the candidate of sciences in psychology on speciality 19.00.05 – Social psychology; ethnopsychology subject: **“Ethnopsychological features of adaptation of brides to family (on an example of Kazakh families)”**

Key words: adaptation, customs, traditions, values, behavior, family unity, stereotype, mental “set”, escapism.

Subjects of research: brides from Kazakh and Uzbek families (bridegrooms, mothers-in-law, sisters and brothers of spouses: altogether 400 subjects).

Purpose of work: studying of ethnopsychological features of adaptation of brides to family on an example of Kazakh families.

Methods of research: conversation-interview, socio-psychological questionnaire, H.J.Eysenck’s personality questionnaire, “Moral readiness for marriage” test; E.G.Gaziev’s “Matrimonial relations estimation scale”, K.Thomas’s technique “Description of behavioral strategies in conflict situations”, K.Rogers’s and R.Diamond’s technique “Definition of socio-psychological adaptation”, D.H.Olson, J.Portner, I.Lavi’s “Scale of family adaptation and unity”, methods of mathematical statistics.

The results obtained and their novelty: for the first time the ethnopsychological features of adaptation of brides living in Kazakh families are studied. The role of preparation level for family life and abilities to co-operate and to accept new social roles in adaptation of brides to family is proved. The correlation between the socio-psychological and ethnopsychological features influencing adaptation to family is defined.

Practical value: the results of this research can be used in improvement of the activity of specialists engaged in the problems of young family and matrimonial mutual relations at optimization of adaptation of brides to the new family, in prevention and solving the family conflicts.

Degree of embed and economic effectivity: the dissertation materials are used in activity of “Makhalla” committees of Navbakhor and Konimekh districts of Navai region, in carrying out lectures, seminars and practical training on the courses “Ethnopsychology”, “Psychology of interpersonal relations”, “Social psychology” for students of National University of Uzbekistan.

Field of application: ethnopsychology, family psychology, psychology of interpersonal relations, family counseling.